

Сийрат дарслари (60-дарс). Қўявер, уларни икки пок оёғимга кийганман



15:30 / 22.11.2019 5717

296. Муғийра ибн Шуъба розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам билан бирга сафарда эдим. Шунда у зот: **«Муғийра, мешни ол»**, дедилар. Уни олдим. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам мендан узоқлашгунларича юриб кетдилар. Қазои ҳожат қилдилар. Устларида шомий чопон бор эди. Унинг енгидан қўлларини чиқармоқчи бўлган эдилар, торлик қилди. Шунда қўлларини унинг остидан чиқардилар. Мен сув қуйиб турдим. У зот намозга таҳорат қилгандек таҳорат қилдилар. Сўнг маҳсиларига масҳ тортдилар ва намоз ўқидилар».

Бухорий ва Муслим ривоят қилишган.

Бошқа ривоятда: «Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам билан сафарда бирга бўлган эдим. Маҳсиларини ечиб қўйиш учун энгашувдим: **«Қўявер, уларни икки пок оёғимга кийганман»**, дедилар ва уларга масҳ тортдилар», дейилган.

Бухорий ривоят қилган.

Бошқасида: «Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам икки маҳсиларига, бошларининг олд қисмига ва саллаларига масҳ тортдилар», дейилган.

Муслим ривоят қилган.

297. Абу Саламадан ривоят қилинади:

«Оиша розияллоҳу анҳонинг ҳузурларига кирсам, унинг эмикдош акаси бор экан. Шунда ундан Набий соллаллоҳу алайҳи васалламнинг жанобатдан қиладиган ғусллари ҳақида сўради. У бир соъ ҳажмли идишни чақирди ва ғусл қилди. Биз билан унинг орамизда парда бор эди. Бошидан уч марта сув қўйди. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг жуфти ҳалоллари бошларидан қулоқнинг учигача очар эди».

Муслим ривоят қилган.

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам» китобидан